



4
Баҳодир Жалолов:
“РУҲИЯТ
ЖИСМОНИЙ
ИМКОНИЯТДАН УС-
ТУН БЎЛИШИ КЕРАК”



6
КЕЧИРА ОЛМАДИМ



“ЎРГИМЧАК ТҮРИГА
ЎРАЛАЁТГАНЛАР”

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ



ЎзА сурат-лавҳаси

БЕТАКРОР АНЪАНАЛАР ИФОДАСИ

Бугун хунармандларга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб бериллаётир, уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Халқ усталари яратаяётган миллий хунармандлик намуналари ёшларни ушбу соҳа сир-асрорини пухта эгаллашга ундаётир.

Миллий матолар, кашталар, сўзаналарга қараб беихтиёр кўнглингизда ажиб ҳислар уйғонади: уларда миллийлик, асрий урф-одатлар ўз аксини топган.

Хусусан, Навоий вилояти Қизилтепа ту-

манидаги “Асадбек зиё нури” хусусий корхонасида миллий хунармандлик асосидаги ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган.

Хунарманд Зебо Рустамова раҳбарлигидаги корхонада адрас мато ҳамда каштачилик маҳсулотлари тайёрланади. 15 хотин-қиз иш билан банд. Миллий каштачиликнинг бетакрор анъаналарини ўзида ифода этган сўзана, тақяпўш, чойшаб, ёстиқ жилдлари, аёллар кийими, сумка ва ҳамёнлар харидорлиги билан машҳур.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ошлангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган севимли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!



Обуна индекси —
176

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Ким эдигу, ким бўлдик

Тадбир

Давл бошланиши билан киш оёқлаб, кунлар илий бошлайди. Кундузлари худди кўклам ҳавосидек майин. Серкўёш диёримизнинг киши енгил келиши янгилик эмас, асли. Кишни набирамнинг янги уйида ўтказаман, деб келган Иброҳим ота бундай кунларда бир ерда ўтиролмайди. Массивни ҳар кун бир айланиб чиқади. Кампири бир неча кунга ўз уйлари — Навбахор туманидаги Арабсарой қишлоғига кетгач, маҳаллани энди бир эмас, икки айланганидан бўлди. Хар гап худудни кезганида, тартиб билан қурилган бир хил уй-жойларни кўриб, кўзи қувонади. Хатто ҳовлилар атрофидаги манзара — кўкка бўй чўзаётган кўчатлар, дов-дарахту йўлакчалар ҳам бир хил. Маҳалла гузариди ҳамма нарса бадастир — бозор, маиший ва сервис хизмати шохобчалари, тиббий ёрдам пункти, мактаб, болалар майдончаси. Бобо чекка бир қишлоқда туриб, худди шахарни кезгандек завқланади ва беихтиёр ўзининг болалик, ёшлик даври кўз ўнгидан бир-бир ўтади...

...Чоғроққина бир хона, бир дахлиздан иборат лойсувок, пасткам уйда олти жон яшардилар. Тўнғич фарзанд Иброҳим тушгача мактабда (мактаб дейилса, қанчалик тўғри бўларкин — сабоқ берадиган устознинг уйидаги қоронги, зах тортган битта хона), пешинда колхознинг оғир меҳнатига сафарбар қилинади. Техника у ёқда турсин арзон ишчи кучиям етишмайдиган ўша йиллари вояга етмаганлар меҳнати ҳам туяга мададдай гап эди. Ана шундай машаққатли кунларнинг бирида оила оғир жудоликка учради, фарзандлар волидасидан айрилди. Мушфак аёл бирдан ётиб қолди-ю, болаларини бўзлатиб ўтиб кетаверди. У пайтлар шифокор зоти анқорнинг уруғидек бўлмаса-да, “ха” деганда топилавермасди. Хаста кишилар бир кечада таппа тушиб ўлиб кетаверарди. Бир йил ўтар-ўтмай, оила бошлиғига ҳам қандайдир дард йўлиқди. Узоқ масофадаги туман марказига бориб, анча даволанганига қарамай, отанинг аҳволи ўнганмади. У ҳам охира сари рихлат қилди. Тўрт фарзанд чиркираб қолаверди. Иброҳим эндигина ўн иккига тўлаётганди. Укалари ва рўзгорнинг ташвиши энди унинг зиммасида қолди. Падаридан айрилиб, гангиб қолган ўсмир колхоз ишини унутиб, бир-икки кун уйда қолиб кетди. Учинчи кун бригадир келди:

— **Аза тутиб ўтирганинг етар, ишга чик! Сен ишламсанг, укаларингни ким боқади?**

Икки ука, бир синглини вояга етказиб, уйи-жойли қилмагунча, бу гап унинг қўлидан нари кетмади. Суяги меҳнатда қотди. Кейинчалик ўзи ҳам бригадир бўлди. Жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги билан эл-юртнинг хурматини қозонди. Меҳнати муносиб тақдирланганда, қийинчиликлар унутилгандай бўлди. Бирок кечаги кунни унутиб бўларкани?! Айниқса, бугунги дорил-омон замонда нолиганларни кўрса,

дарди янгилангандек бўлади. Беихтиёр ўтмишдан ҳикоя қилади.

— Биламан, бу гапларим сизларга эртадек туюлади, аммо мен ўша қора кунларнинг тирик гувоҳиман, — дейди у ишонқирамай турган ёшларга қараб. Кейин яна ҳикоясини давом эттиради. — Биз оилани бўлганимизда ихчамроқ бир уй қуриш ҳам машаққат эди. Қирдан тош териб келиб, пойдеворга ишлатардик. Синчини тиклаш учун ёғоч топилса, цемент топилмайди, цемент топилса, яна нимадир, хуллас, роса сарсон бўлардик. Амал-тақал қилиб томини ёпиб олгач, шипер қаёқда эди, киш-қировли кунларда тепадан чакка ўтиб бало бўларди. Шундан сақланиш учун ҳар йили ёзда томсувок қилинарди. Ёзи билан ҳар кун бир хонадонда ҳашар, томсувок, э, сизлар мана шу азоблардан озодсизлар. Тап-тайёр уйга кириб яшайсизлар. Замонамиздан, давлатимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсайиз арзийди...

...Набираси Зафаржон Кармана



тумани Ҳазора массивидаги янги уйлардан олди-ю, бобонинг боши осмонга етди. Бу йигит ёш бўлса-да, абжирлиги, пишиқ-пухта ишлари билан жамоада муносиб ўрин топган. Мана, бир неча йилдири, (Навоий вилояти “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари тахририяти қошидаги) босмахона директори. Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати у каби етук кадрларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунга кўра, Зафаржон Олимов намунавий лойиҳадаги уйлардан бирига эга бўлди. У Иброҳим отанинг тўнғич набираси. Болалигида онасидан айрилиб қолгач, чолу кампир уни ўз қарамоғига олишди. Оқ ювиб, оқ тараб, кўнглига қарашди. Олий маълумотли қилишди. Энди унинг келажигидан кўнгиллари тўқ, Турмуш ўртоғи, икки фарзанди билан тинч-тотув, бобою бувининг ишончини оқлаб келяпти.

— Бобом 82 ёшда бўлсалар-да, ғайрати ёшларникидай, томорқани, анорзорни гўлдай қилиб қўядилар. Маҳалладагилар у кишини анорчи бобо дейишади. Катта оиланинг эҳтиёжидан ортганини бозорга олиб чиқадилар. Бир умр тиним билмаган одамни уйда ушлаб ўтириш қийин экан, — дейди **Зафаржон қулиб**. — Бизникига келганларидан буён ҳар кун эрталаб ташқарига чиқиб, жисмоний тарбия соатини ўтказадилар. Маҳалладаги болаларни йиғиб, машқ қилдирадилар. Кейин уларга қўшилиб футбол ўйнайдилар. Эпчил ҳаракатларига қараб, хурсанд бўламан. Илоҳим, омон бўлсинлар...

Ҳа, бугун оддий инсон ҳаётини оласизми ё зиёли кишининг турмуш

тарзига назар соласизми моддий, маданий, маънавий-ҳуқуқий юксалишни кўрасиз. Юртимиз истиқлолга эришгач, ўтган 25 йил мобайнида амалга оширилган улкан ўзгаришларга ҳамоҳанг эмасми бу?! Аждодларимиз айнан шундай ёруғ кунларни орзу қилмаганими?! Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик тимсоли бўлмиш соҳибқирон Амир Темур бир умр ана шундай улкан ўзгаришлар учун курашмаганими?! У буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очиб берди. “Темур тузуқлари”, хусусан, унинг «Тажрибамда қўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, ҳаётнинг ўзи унинг тасдиғини кўрсатиб турибди.

Буюк бобокалонимиз мутафаккир шоир, файласуф, давлат арбоби Алишер Навоий ҳам ўзидан катта маънавий мерос қолдириш билан бирга, умрини илм-фан, маданият, санъат, бунёдкорлик ишлари ривожига бағишлади. Бу улуг сиймо ўз даврида 60 та бино, 20 та сув иншооти, 20 та масжид, 16 та кўприк ва бир қанча шифоналар қурдирган.

Дарвоқе, қадимий бу диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бугун халқроқ жамоатчилик тан олмақда. Бу табаррук заминдан нене буюк зотлар, олим уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, улар умумбашарий тараққиёт ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшгани эътироф этилмоқда. Бельгияда Ибн Сино, Литвада Мирзо Улуғбек, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий, Қоҳирада Аҳмад Фарғоний хотираларига муҳташам ҳайкаллар ўрнатилгани эса бунга яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳақиқатан кўҳна бу заминда барпо этилган мураккаб сув иншоотлари, хали-хануз ўзининг қўруқ тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз азалдан ўлкамизда хунармандчилик, меъморлик ва шаҳарсозлик маданияти ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатида киритилгани ҳам биз учун катта фахрдир.

Улуғларимиз бошлаган ана шу эзгу ишлар бугун ҳам давом этапти, бунёдкорлик, халқ фаровонлиги, юрт равнақи давлатимизнинг диққат марказида турибди. Шубҳа йўқки, буларнинг бари эртанги авлод учун улкан маънавий мерос бўлиб, рухий куч-қувват ва мадад бериб туражак. Зеро, халқимизнинг азалий орзулари хурлик осмонидида оқшув мисол парвоз қилаётди, унинг қанотлари мустаҳкам...

Ҳолида ФАЙЗИЕВА

ТИББИЙ САВОДҲОНЛИКНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Наманган вилояти ва Норин тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмиталари ташаббуси билан **Ҳаққулбод шахрида «Аёллар маслаҳат маркази» ташкил этилди.**

Тантанали тадбирни туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сабоҳатхон Ҳожибоева очди.

Сўнгра сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳилола Юсупова бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва уларга яратилаётган гамхўрликлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Тадбирга ташриф буюрган туман фаоллари, нуруний отахон-онахонлар иштирокида рамзий тасма қирқилгач, иштирокчилар марказда яратилган шартшароитлар билан яқиндан танишдилар.

«Аёллар маслаҳат маркази»ни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва вазибалар, уларни амалга оширишда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар мавзусида бўлиб ўтган йиғилиш давомида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Унда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳабибулло Матқаримов «Аёллар маслаҳат маркази» хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий саводхонликни ошириш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Эътироф этилдики, ўз навбатида оилаларни мустаҳкамлаш, уй бекаси бўлган аёлларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабатини яхшилаш ва турли маънавий-мафкуравий хуружлардан асраш, хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашиш каби вазибалар ҳам марказ фаолияти доирасига киради.

Бундан ташқари, марказ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилашдаги ўрнини ошириш, оилани мустаҳкамлашга, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини миллий тақдирларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам амалга оширади.

— Энг муҳими, марказда кўрсатилган ҳар бир хизмат ва маслаҳатлар бепул, — дейди **«Аёллар маслаҳат маркази» раҳбари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими бош мутахассиси Наҳида Раҳимова**. — Ҳар бир мурожаат этган хотин-қизга унинг муаммосига қараб тегишли мутахассис жалб этилади. Шу мақсадда биринчи навбатда ижтимоий-тиббий, ҳуқуқий ва психологик маслаҳатхоналар ташкил этилди. Уларда жамоатчилик асосида ҳуқуқшунос, психолог, терапевт ва акушер-гинекологлар фаолият юритади. Келгусида марказ томонидан ўқув-семинарлари, тренинглар ва касбий тўғарақлар уюштирилиши режалаштирилган.

Ш.ТОШБЕКОВА



Маҳалла маслаҳатчилари ҳаётидан

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА БОР

да, гоҳида эса мажлисдан чиқиб тўғри фарзандлари ёнига қайтаётганда учрата-сиз.

— Яшашдан мақсад — яхши ном қолдириш, — **дейди у.** — Демак, қилаётган ишларимиздаям шунинг ахси кўриниши керак. Ўзбекистон тўйи кўп, дейди-ку, шу ҳам-жihatликда ўтса, ҳамма хурсанд бўлади. Ўзаро маслаҳатлашиб, камхарж ўтказиб, дабдабага берилмай, бори-борича кўрсатиш энг тўғри йўл. Андишали кишилар кўп орамизда. Агар кимдир “сендан мен камми?” қабилида тўй ўтказиш тарадудига туша, бориб тушунтираман. Шунинг учунми эндиликда тўй харажатлари камайитирилади, аҳолининг ортиқча сарфга бўлган майли пасайди.

Бувинисо опанинг асли касби ўқитувчилик. Дастлаб иш фаолиятини тумандаги 48-мактабда бошлагани. Опа математика ўқитувчиси

экани боисиданми оиласида ҳам, маҳаллада ҳам тежамкор, бошқаларниям шунга ўргатади.

— Онам ҳар бир ишни пухта ва ҳалол бажаришга ўргатади, — **дейди Дилшод.** — Айниқса, нон увол бўлмаслиги, меҳнат билан катта ютуқларга эришиш кераклиги, шундагина ҳақиқий бахт борлигини эслатадиган гаплари бутун умр кулоғим остида жаранглаб турса керак. Бу одати кўча-кўйда ҳам ҳамроҳ: ёшларга маслаҳат беришдан эринмайди, уларни касб-хунар эгаллашга ундайди.

Ҳақиқатан, бугун маҳалладаги ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, бандлиги барчанг диққат-эътиборида. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақти самарали ташкил этилиши йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. 48-мактаб қошида ташкиллантирилган фан тўғарақлари, спорт бўлимларида бола-

лар ҳам маънавий, ҳам жисмоний чиниқмоқда.

— Бўш вақтдан унумли фойдаланиш келажакка қўйилган катта қадам, — **дейди 48-мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Абдурахмон Хўшиев.** — Болаларнинг спорт билан ошно бўлишлари, ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, мақсад сари дадил қадам ташлашларида спортнинг алоҳида ўрни бор. Маҳалла — оила — таълим муассасаси ҳамкорлигида бугун ёшларни спортнинг кураш, футбол, стол тенниси турларига кенг жалб этаяпмиз. Ўйлашимизки, кун келиб бу ишлар ўз самарасини беради.

Маҳаллада ҳамжихатлик, ютуқлар ўзаро бир ёқадан бoш чиқариб ишлаш самараси дейиш мумкин. Бу эришилётган муваффақиятлар, таълим-тарбия жараёнида ҳам акс этади.

— Йил бўйи тўйлар узулмайди, — **дейди маҳалла**

фаоли Турсунбой Бозоров. — Кун сайин турли хил урф-одатлар, агар шундай атайдиган бўлсак, пайдо бўлаётти. Ҳатто кийиниш борасида ҳам: нафақат кўча-кўйда, балки тўйларда ҳам тартиб бўлиши керакдек, назаримда. Эътибор берсак, миллий либосларимизни кўрсатиб, ҳаммасини камтарона ўтказишнинг ҳикмати катта. Ўзбек йигит-қизларига шарқона либослар ярашади. Шу аънавалар тўйларга фойз киритилди-да.

Қишлоқни айланаркансиз, ободлик, меҳр-оқибат ҳукмрон, бунинг сабабини ҳов ўша, аждодларимиз минг йиллар илгари ташкил этган маҳалла аталмиш ошённинг нақадар ҳаётимизга сингиб кетганида кўраимиз.

— Маҳалла институти дунёнинг бошқа ҳеч бир жойида учрамайди, — **дейди опа ҳайратланиб.** — Маҳаллани таржима қилиб кўринг, ҳақиқатан таржимаси йўқ. Бу ҳам бизнинг ўзига хос томонларимиз. Кўни-қўшни ҳолидан хабар олиш, борида-йўқидида кўлини чўзиш қонқонимизга сингиб кетган. Шу аҳиллигимиз келажакда ҳам ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишини хоҳлардим.

О. ЖУМАОБОВ

«ҚҮЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН»

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Қўли гулдир ўзбек аёли» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан ҳамда аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёш авлодни миллий аънава ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, вилоятимиз хотин-қизларининг кийиниш маданиятини юксалтириш, бу борада миллийликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда вилоятдаги ўқув марказлари вакиллари, дизайнерлар, тикувчилар, кенг жамоатчилик ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган тадбир аввалида маҳоратли дизайнер ва тикувчилар меҳнати ҳосиласи бўлган, миллий матолардан ҳам замонавий, ҳам миллийлик уйғунаштириб тайёрланган либослар кўргазмаси ташкил этилди. Унда 20 га яқин дизайнерлар ва «Ифатли келин», «Машхура», «Элегант», «Адраслар олами», «Сандина», «Хилолабону» ўқув марказлари вакиллари ўзларининг тикувчилик, тўқувчилик, хунармандчилик намуналарини намойиш этишди.

Уларни томоша қилган ҳар бир киши кўнглида аёлнинг қўли қандай мўъжизаларга қодир экани хусусида ёрқин тасаввур ҳосил бўлади. Дизайнерлар — чўстлик Муниса Зокирова, норинлик Дилдора Одилова, тўрақўрғонлик Хуршида Хайитбоева, уйчилик Феруза Парпиева, янгиқўрғонлик каштадўз Муборакхон Нурматовна қўл меҳнати ва кўз нури ила яралган маҳсулотлар ўзининг бежиримлиги, миллийликни акс эттиргани, ҳам замонага мослиги билан барчанг эътиборини тортиди.

— Сўнги йилларда юртимизда миллий қадрият ва аънаваларни асраб-авайлаш, ривожлантириш юзасидан дадил қадамлар ташланмоқда, — **дейди Муниса Зокирова.** — Бу борада биз ҳам изланишлар олиб бораёмиш. Натижада хотин-қизлар ўртасида миллий матолардан миллий ус-

лубда тикилган либослар урф бўлмоқда. Шогирдларим билан биргаликда адрасдан нафақат либослар, балки сумкачалар, оёқ кийимлари тайёрляпмиз. Маҳсулотлар ниҳоятда харидорни Келгусида маҳсулотларимизни бошқа вилоятлар бозорларига ҳам етказиш режамиз бор.

— Мени қувонтиргани шуки, қизларимиз ўртасида миллий хунармандчилик сирларини ўрганишга қизиқиш тобора кучайиб борапти, — **дейди Янгиқўрғон тумани «Барака» МФЙда иштирок қилувчи 55 ёшли Муборак Нурматова.** — Ҳар уч ой давомида 10-12 нафар қишлоқ қизлари тўқувчиликни мукамал ўрганиб олмоқда. Ранг-баранг иплардан юмшоқ ўйинчоқлар, ёстиқ жилдлари, тўшамалар тайёрляпмизки, бу маҳсулотларга кўплаб буюртмалар келиб тушапти. Энг муҳими, хунарли қизлар кўпаймоқда.

Тадбирнинг тантанали қисмини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Хилола Юсупова очиб, ўз сўзида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишлар, хунарманд ва тадбиркор аёллар эришаётган юксак натижалар, унинг ёшлар ўртасида миллий қадрият ва аънавалар, хусусан, кийиниш маданияти борасида миллийликни тарғиб қилишга қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Либослар намойишини Наманган шаҳрида фаолият олиб бораётган дизайнерлар ўзлари яратган либослар билан бошлаб беришди. Сўнгра барча туманлар дизайнерларига навбат берилди. Адрес, шойи, атлас каби матолардан замонавий ва миллий услубда яратилган либослар намойишини томошабинлар ҳам ҳайрат, ҳам мамнунлик билан кузатишди. Либослар кичик қизалоқлардан тортиб, ўсмирлар, талабалар, келинлар, ўрта ёшли ва кекса аёллар учун мўлжалланган бўлиб, уларда дизайнерларнинг изланишлари, тасавурларининг бойлиги, маҳорати акс этиб турди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Наманган шаҳридаги бир қатор ўқув марказлари, шунингдек, Наманган қурилиш ва дизайн касб-хунар коллежи ўқувчилари бўлган ёш дизайнерлар — Мафтуна Ганиева, Ноила Эркинова, Гўзал Тохирова, Наргиза Мамажонова, Моҳира Олимова ва Малика Турсунова яратган либосларда ҳам замонавийлик, ҳам миллийлик руҳи уфуриб тургани кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Тадбир ўз номидан келиб чиқиб, маънавий-маърифий аҳамият касб этди, қўли гул ўзбек аёлларининг истеъдодини амалда намоеън этди.

Тадбирнинг ниҳоясида тантанали тақдирлаш маросими бўлиб, унда энг яхши иштирокчи ва энг яхши либослар ижодкорлари деб топилган Наманган шаҳридаги хусусий тадбиркор ва дизайнер Таманно Саидмаҳмудова, «Хилолабону» ҳамда «Мадинабону» ўқув марказлари вакиллари турли даражадаги дипломлар билан тақдирланди. Наманган юридик, қурилиш ва дизайн ҳамда миллий хунармандчилик ва сервис касб-хунар коллежлари ёш дизайнерларига сертификатлар топширилди. Яна ўнлаб иштирокчилар — шаҳар ва туманлардан таширф буюрган тикувчи ва дизайнерлар вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ташаккурномаси ва эсдалик совғаларига сазовор бўлди.

«Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгаши, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциацияси вилоят бўлими, вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга, хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотларининг ролини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу каби тадбирлар тажриба алмашиш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ш.ТОШБЕКОВА

Истеъдод

ОРАСТА ҚИЗНИНГ КУТУБХОНАСИ

Сарвиноз Ҳамидова Уйчи туманидаги 21-мактабнинг 9-синфида ўқийди. У 2015 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган «Мен, ота-онам, бувим, бобом - китобхон оила» танловининг туман босқичида иштирок этиб, голиб бўлди. Октябрь ойида эса «Ораста қизлар» кўрик-танловининг вилоят босқичида туман шарафини муносиб ҳимоя қилди ва пойтахтимизда бўлиб ўтган «Маҳалланинг энг ораста қизлари» республика анжуманида қатнашиб, олам-олам таассуротлар билан қайтди.

— Қўлга киритган ютуқларимда ота-онамнинг ўрни беқиёс, — **дейди Сарвиноз.** — Мен зиёли оила фарзандиман. Бобом Ҳабидулло Аббосов фахрий ўқитувчи, онам Махфуза Юлдашева ҳам педагог, рус тили фани муаллимаси. Отам Баҳодир Аббосов Наманган шаҳар «Экотадқиқот» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари. Хонадонимиздаги юзлаб китоблар бор кутубхонага кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Сарвиноз мактабни тугаллагач, тиббиёт коллежида таҳсилни давом эттирмоқчи, сифокор бўлишга аҳд қилган. Шу мақсад йўлида фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирапти. Шунингдек, мактабдаги «Ораста қизлар» тўғарагининг фаол аъзоси сифатида тенгдошларига ўрнак. Адабиётни, шеърятни яхши кўради, ўзи ҳам шеърлар машқ қилади. Сарвиноз каби истеъдодли ўқувчилар мактабимиз фахридир.

Муножотхон ЖУНАЕВА

Баҳодир Жалолов:

“РУҲИЯТ ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТДАН УСТУН БЎЛИШИ КЕРАК”

... Чори полвон ор таллашиб юрибди. Яқинда бир тўйда беҳосдан курагини ерга бериб қўйган (йиқилган, енгилган). Унга умуман мол керак эмас, у ор учун курашга чиқади.

Бу гапларни менга бир курсдошим айтганди. Ҳа, азалдан воҳа полвонлар юрти. Достонларда не-не мардиклари мадҳ этилган полвонлар маскани. Улар фақатгина достонларда ёки тарихда қолган эмас, бугунги кунда ҳам уларга муносиб авлодлик гурури кўксини тўлдириб турган, билаги зўр, бир элнинг шижоати ўзига зўрлик қилиб турган ёшларимиз кўп. Бугун буюк аждодларидек ор таллашиб юртимиз байрогини жаҳон шохсупаларида юксак ҳилпиратаётган спортчиларимиздан бири Баҳодир Жалолов. У билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдики, инсон иродасини тобласа, мақсадни катта олса, кичик тўсиқлар, айрим муаммолар ўз-ўзидан ечимини топар экан.

— **Кўпчилик спортга бир туртки, қизиқиш, яқинларининг истаги билан қандам кўяди. Боксга илк қадамнингиз ва бунда яқинларингизнинг тутган ўрни...**

— Тўғри, ҳамма ҳар хил сабаблар билан бу соҳага кириб келади. Мени 5-синфдалигимда отам футбол тўғарага олиб борган. Бир неча йил футбол машғулотларига қатнадим. Шундан сўнг барчамизга яхши таниш бўлган ва кўплаб маҳоратли спортчиларни тайёрлаб бераётган Чирчиқ олимпия захиралари коллежига келдим ва бу ерда имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишни давом эттирдим. Айнан шу воқеа ҳаётимда катта ўзгаришга сабаб бўлди.

— **Демак, отангиз сизнинг футболчи бўлишингизни хоҳлаган. Боксни танлаганингизда норози бўлмаганингиз?**

— Олдинга бокснинг мия учун хавфли эканини айтиб қаршилик қилди, онам иккаламиз зўрға кўндирганмиз. Мен уларнинг кўмагисиз бу даражага чиқа олмасдим. Оиланинг умиди, ишончи, ёрдамини ҳис қилиб турган спортчи ҳеч қачон мағлуб бўлмайди.

— **Иродангизни қандай шакллантиргансиз? Бунда нималарга эътибор берасиз?**

— Қайси ишни бошламанг, барибир қийинчиликка, турли синовларга дуч келасиз. Устозим менга: “Руҳият, ирода жисмоний имкониятдан ҳаммиша устун бўлиши керак” деб ўқитариди. Аввалига бурним синганида ота-онанинг қаршиликлари сабаб бошқа



спорт турини танлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрганман. Аммо мураббийларим Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличев мендаги иқтидорни юзага чиқариш учун яқка тартибдаги машғулотларни кўпайтиришди. Кўнглимдаги ўйларни, яқинларимнинг фаолиятимга муносабатларини улар яхши билишарди. Шу боис ўз кучимга, келажақда юксак марраларни эгаллашимга ишонтириш учун улар маҳоратларини аяшмади. Бу нарса ўзимга бўлган ишончини янада оширди. Спортчи-атлет спортга кириб келар экан, фақатгина ундаги машаққатларни енгиб ўтишни эмас, балки уни кузатаётган ва унга ишониб топширилган вази-фаларни — халқаро майдонларда мамлакат шарафини ҳимоя қилиш, уни қўллаб-қувватлаб турганларнинг ишончини оқлаш, миллат гурурини ҳис қилиши зарур. Тўғри, баъзида жисмонан кучли рақиблар мағлубиятга учраганини кўриб ҳайратда қоламиз. Ҳаттоки, бунга ишонгингиз келмайди. Аммо ички ирода, матонат, руҳий ҳолат бунда катта роль ўйнайди.

— **Ҳар қандай муваффақият замирида вақтинг муносиб тақсимиоти ётади. Машғулот, ўқиш, оила: нимага улгуролмаяпсиз?**

— Тўғри. Аждодларимиз “вақт қиличдир, сен уни кесмасанг, у сени кесади”, дейишган. Бу айтиш каби ёшларга айтилган, деб ўйлайман. Ўн саккиз ёшида рақиблари устидан ғалаба қозониб, вақтида ютуққа эришмаган одам, олтимиш ёшида бу мақсадига етолмайди. Ҳозирда икки маҳал машғулотлар билан бандман. Куннинг қолган қисмида

ўқишга бориб илм олишга ҳаракат қиламан. Оила да врасида бўлиб, яқинларим билан суҳбатлашаман. Қариндошларимни йўқлаб тураман. Ҳар кун оёз бўлса-да, яхши бир асардан мутолла қилишга ҳаракат қиламан. Бусиз руҳият жисмоний ҳолатдан устун бўлолмайди. Дўстлар билан учрашиб туришни ҳам унутмайман. Иш, мақсад устида жамиятдан ажралмай қолиш жуда осон,

аммо яна шу иш, мақсадлар билан қайтадан уларга қўшилиб олиш мушкул. Мен спортчилар жамият билан бирга, замон билан ҳамнафас бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Вақтимни айтилган мана шу ишларга тақсимлайман. Муваффақият ўз-ўзидан келаверади...

— **Боксчи сифатида спорт ва жамиятда ўз ўрнингизга эгасиз? Инсоннинг жамиятдаги ўрнини нима белгилайди?**

— Бунинг учун мен мени алқаб шу даражага етишимга сабабчи бўлган халқимиздан миннатдорман. Инсон жамиятда ўз ўрнини топсагина ҳаракатларида барака сезилади. Шу ўринни мустаҳкамлаш учун интилади. Гарчи фаолиятимга кўп бўлмаган бўлса-да, озми-кўпми муҳлисларга эга бўлдим. Улар билан учрашиб қолганда илик мөҳрни туяман. Бундан кўнглим тоғдай кўтарилади. Муваффақиятларга эришиб кўзга ташланиб қолган инсонлар камтарлиқни касб қилиб олишлари кераклигини отам доимо таъкидлайди. Мансаби кўтарилганда ёки спортчи қайсидир йирик турнирда зафар кучганида атрофдагиларни назарга илмай қўйган ҳолларни кўраман. Ўрни келганда мураббий, одил ҳакам Равшан Эрматовни эслаб ўтишим керак. Менмча, у камтаринлиги учун ҳам элга манзур.

— **Ҳар кимнинг ёшлигида катта-катта орзулари бўлади. Болалиқдаги соф орзуларни сақлаб қолиш мумкинми?**

— Рости, бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Тўғри, ёшлигимда адоғи йўқ орзуларга кўп берилардим.

Гурунг

Тезроқ катта бўлиш истаги билан яшардим (одатда болалар катталарнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ деб ҳисоблашади). Улғайдим. Энди орзуларим катта – катта мақсадларга айланган. Илгарилари бокс жанглари кўриб, мураббийим Рустам Саидовга ўхшашга жуда ҳавас қилардим. Унинг Осие ўйинлари ва Олимпиададаги жанглири хотирамда қолган (ёшлигимда кўпроқ зарб билан уриб ниманидир ёки кимнидир қулатгим келарди). Энди эса рақибларимни мағлубиятга учратиш, юртимиз шаънини ҳимоя қилишни ўйлайман. Орзу эришиб бўлмайдиган нарса эмас. Бунинг учун кишидан меҳнат, сабр, ирода ва матонат талаб қилинади. Аниқ мақсад сари дадил одимлаш керак. Бугунги кунда менинг ҳам орзум, ҳам мақсадим Олимпиада чемпиони бўлиш...

— **Муваффақиятларини тасодиф эмас, бу аввало, яратилган кенг имкониятлар, шарт-шароит маҳсули...**

— Бизнинг юртимиз жаҳонда тез ривожланиб, ўз ўрнини топиб бораётган давлатлардан. Мухтарам Юртбошимиз барча соҳаларга бирдай эътибор қаратиб келмоқда. Биргина спорт соҳасида мислсиз кулайликлар, имкониятлар яратилди. Улардан фойдаланиб, Ватанимизни дунёга танитгиси келади кишининг. Мен ўзгаришлар билан бирга бўлишни, уларда фаол иштирок этишни, жамиятнинг янгиланиши, мамлакат ривожига ўз ҳисса бўлишини хоҳлайман. Ислохотлар фақат инсон учун бўлган юртимиз тараққиётида ҳар бир фуқаронинг улуши бўлиши керак.

— **Мақсадингизга эришиш учун кимга ҳавас қиласиз?**

— Албатта, ҳар кимнинг ўзи яхши кўрган, унга ўхшагиси келган киши бўлади. Мен кўпроқ мураббийим Рустам Саидовга ҳавас қиламан. Устозимнинг ҳар бир шогирдига алоҳида меҳри, унинг шахс сифатида шаклланишидаги хизматлари бекиёс. Владимир Кличконинг ҳақиқий муҳлисман. У матонатли, рақибларини қаттиқ хурмат қилади, қолаверса, Олимпиада чемпиони ҳамдир.

— **Мақсадингиз....**

— Ҳозирги энг катта мақсадим мартда Хитойда бўладиган турнир, ёзда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш ва бу мусобақада голиб бўлиб, Ўзбекистонимизнинг байрогини баланд кўтариш, халқимиз ишончини оқлаб қайтишдир. Энг олий мақсадим эса — бутун умр шу юртга керак бўлиш, унинг қорига яраш.

— **Самимий суҳбат учун ташаккур.**

Ш. ОРТИҚОВ
суҳбатлашди.



ЖИЗЗАКИ ВА ЖИЗЗА

— салга аччиғи, жаҳли чиқаверадиган, гап кўтара олмайдиган, ҳар нарсага ловуллаб кетадиган одамга нисбатан “жиззаки” дейилади. “Жиззаки” сўзи асли, “жизза”дан келиб чиққан. Бунда муайян боғлиқлик бор. Чунки, жизза ҳам аслида ўз ёғида ўзи қоврилади. Шундан келиб чиқиб, ҳуда-беҳуда тутаб кетавериб, ўзини ўзи қийнайдиган одамга нисбатан “жиззаки” дейилган.

Олимжон ҳангу манг бўлиб қолди: раиснинг бу қадар жиззакилиги ва гиначилигини энди кўриб турган эди.

Ҳаким Назир

ГУЛМИХ — бу сўз мумтоз адабиётимизда ҳам, халқ тилида ҳам қўлланган ва ҳозир ҳам қўлланади. Қалпоқдор, узун, тиконли миҳ “гулмих” дейилади. Кўринишидан миҳ шаклида бўлган темир қозиқ ҳам “гулмих” сўзи билан ифодаланади.

Чоклик кўксум эшиқдур, жисм уйи байтулҳазан,

Ул эшикнинг халқасидур наълу гулмихи тукан.

Алишер Навойнинг
“Ҳазойинул-масний”
девонидан

Қамиш босган Захарик бўйидаги гулмихларга қўйлар боғлаб қўйилган.

Самар Нуров

ДАРБАНД ВА ДАРБАНДЛИК — биз “дарбанд” сўзининг тоғдан ўтадиган йўлнинг қираверши жойи маъносини англатишини айтиб ўтган эдик. Ҳўш, бу сўзнинг туб илди-зи қандай маънога эга? “Дарбанд” сўзи асли “бўсаға”, “эшик олди” деган мазмунни билдирган. Тилимизда “дарбандлик” деган сўз ҳам бор. “Дарбандлик” сўзи “қамал”, “қуршовда қолмоқлик” деган маънони билдиради.

Сенки ул ён азимат эткундур, Чунки дарбанд ичига еткундур.

Алишер Навойнинг
“Садди Искандарий”
достонидан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ОБОД МАСКАН

Оилалардаги соғлом мухитни сақлаш, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш маҳалланинг вазифасидир. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “Дўстлик” ҚФЙга қарашли Эвалак маҳалласида бўлганимизда шу каби ишлар натижасини кўрдик.

Бу маскандаги меҳр-оқибатни кўриб, уларни маҳалладош эмас, гўёки опа-сингилу, ака-ука деб ўйлашингиз аниқ.

— Маҳалла барчага ибрат мактабидир, — дейди маҳалла раиси Йўлдош Рўзиев. — Бизнинг маҳаллада соғлом мухит шаклланди, деб айта оламиз. Одамлар бир-бирига ёрдам беради. Шунингдек, ўтказилаётган тўй ва йигинларда исрофгарчиликларга йўл қўйилмайди. Зеро, ота-боболаримиз уволдан қочинг, деб таъкидлаган. Энг катта исрофгарчилик ҳам айнан ана шу инсондаги мақтанчоқлик натижасида юзага келади. Ҳимояга муҳтожларга ёрдам беришни билиш керак.

Эвалак маҳалласида 9 та комиссия фаолияти йўлга қўйилган. “Маърифат ва маънавий масалалари бўйича” комиссиясида маҳалла ҳудудида маънавий ҳаёт, миллий онг ва қадриятлар, урф-одат, анъаналарни асраб-авайлаш, миллатлараро зағрикенглик тамойиллари кенг тарғиб қилиш вазифалари белгилаб олинган. “Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари” бўйича комиссия маҳаллада яшовчилар ўртасида касаначилик, хунармандлик, деҳқончилик, чорвачилик сингари йўналишларни қамраб олади. Шунингдек, ажратилган ерлардан самарали, оқилна ва мақсад-

Маҳалла ҳаётидан

ли фойдаланишлари устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. “Яраштириш” комиссияси эса оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, қайнона-келин, кўни-кўшниллар ўртасидаги бузилган муносабатларни тиклашга қаратилган яраштириш ишларини олиб бораётир.

Энг эътиборлиси, ихтиёрий маблағлар эвазига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож хонадонлар ўрганилиб, уйлари ҳашар йўли орқали таъмирлаб берилишидир. “Ҳашар — элга ярашар” деган нақлнинг амалий ифодасини айнан мана шу маҳалла мисолида кўришимиз мумкин. 2015—2016 йиллар давомида ҳомийлар ёрдамида Эвалак маҳалласида жойлашган “Эвалак” қабристонига кўкаламзорлаштириш ишлари олиб берилмоқда. Қабристон ичи ва атрофига бир қанча арча ҳамда мевали дарахт кўчатлари экилиб, ҳас-чўп ва куриган ҳашаклардан тозаланди.

Эвалак маҳалласида “Орас-та қизлар”, “Орас-та ёшлар” каби давраларнинг кизикарли, самарали фаолиятини ҳам кўришимиз мумкин. Уларда соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш, ўзи яшаб турган хонадон ва маҳалланинг тозаллигига эътиборни кучайтириш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш бори-сида давра суҳбатлари олиб борилиб, маҳалладаги ёш авлоднинг салоҳиятли бўлишига шароит ва қулайликлар яратиб берилмоқда.

Ш. МҲМИНОВА

“ЎҚИБ ШАҲАР ОЛИБ БЕРАРМИДИ?”

Фарзандларимиз ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар Яратганини бизга берган азиз неъматларидир.

Чақалоққа оила аззолари томонидан чексиз меҳр ва муҳаббат кўрсатилиши табиий, албатта. Лекин бу фақатгина меҳр ва сарф-харажат эвазига фарзанд етук шахс сифатида камол топиб, жамият учун нафи тегадиган мутахассис, касбининг моҳир устаси бўлиб етишиб чиқади, дегани эмас. Бирон мутахассисликнинг етук кадрни бўлиш учун эса, инсонда меҳнат қилиш билан биргаликда, энг аввало, ана шу соҳага нисбатан мойиллик, қизиқиш бўлиши кераклигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, уйбоши болаларида қайси соҳага нисбатан иштиёқи юқорилигини инобатга олишлари, уларнинг хоҳишларига қаршилиқ қилмасликларига мақсадга мувофиқдир. Аммо бу борада ҳам, ҳамма нарсани ўз қарачи билан ўлчайдиган ота-оналар мамлакатимизда исталганча топилади.

Ўзим Тошкент вилояти Зангиота туманида ишлайман. Маҳаллий аҳоли орасида ўғли ва қизига бирдек шароит, имконият яратаётган, қизиқишларига жиддий эътибор бераётган ота-оналар кам эмас. Лекин “гуруч курмакисиз бўлмайди” деганидек, бунинг тамомила аксини қилаётган оилалар ҳам тез-тез учраб туради. Нима учун коллежни ту-

Касбга йўналтириш

гатиб, олийгоҳда ўқисни давом эттириш истагини билдирган йигитларга рағбат кўрсатилди-ку, лекин шу оилада униб-ўсган қизнинг худди шундай ниятлари-га рўйхушлик берилмайди. Жавоблар ҳам тайин. “Ўқиб шаҳар олиб берармиди”, “Киз боланинг жойи — оилада” ва ҳоказолар. Нима сабабдан қизларнинг имкониятларини чегаралаб қўйишади? Сўраб-суриштирсам чигал фикрларни олдинга суришади. Хусусан, актёрлик, созандалик ва хонадалик йўналишини танлаган йигитларга ҳавас билан қарашади. Агар қизлар шу йўлни танламоқчи бўлишса, буни шармандалик деб ҳисоблашади. Спорт соҳасида ҳам аҳвол бундан яхшироқ эмас. Яна ўғил фарзандларга имконият берилади, қизларнинг аксариятига руҳсат йўл. Аёллар, қизлар орасидан қанча чемпионлар чиқаётгани барчамизга маълум.

Қизларимиз турли танлов ва мусобақаларда фахрли натижалар билан иштирок этиб келаятганлари орқали ўз қобилиятларини ўғил болаларникидан кам эмаслигини намоён қилаяптилар. Ана шундай муваффақиятларни кўра, била туриб: “Киз болага муаллимлик ёки шифокорлик яхши”, деб юравериб фойда бермайди.

Хусниддин ПИРМУҲАМЕДОВ

Инсонга берилган умрда қанчалик яшашнинг ўзинга эмас, балки ҳаётининг қай тарзда кечмоқлиги аввало, унинг маъзун-моҳиятида эмасми, аслида. Бебаҳо умр, дея аталмиш ҳаёт гулшанида гўзаллик нафосати, эзгулик ила яшамок ҳар бир инсон учун саодат.

Учтепалик Тўлқин ота ана шундай эзгу ишларга ўзини бағишлаганлардан. 80 ёшга тўлган бу одам-

ён этмоқда.

Ҳозир буларни гапиряпман-у, беихтиёр ўзимни ёшлик хотираларим кўз олдимдан бир-бир ўтапти...

Тақдирнинг берган шайловимикан, спортга суфталик ёшлигимдан бошла-ниб, ҳали-ҳануз сўнган эмас. Мактабда ўқиб юрган кезларимда, анча-мунчага кураги ерга тегмайдиган полвонлар Ақобир Курбон-ов, қашқадарёлик ака-ука Собировларнинг курашини томоша қилиб, курашга

Замондошларимиз

натижасида йиллар мобайнида ўзининг катта самарасини бериб борди. Бугун ҳам отахон педагог шоғирдларига кераклик мас-лаҳатни, ёрдамни аямайди.

Узоқ йиллар отахон маҳалла раиси бўлиб, элга хизмат қилди. Эндиликда ҳам маҳалла аҳли тажрибали отанинг кўмағига суя-ниб, “Бешқайрағоч” маҳал-ласида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқ-да.

— Биз жуда кўп қийинчи-ликларни

“БИР ДОНА ГУЛ ОНАМНИ ЙИҒЛАТДИ”

охун, дилбар инсонни Бешқайрағочга келганимда “Ота тетикми-лар?” дея орзиқиш билан сўрайман, тенг-курларидан бири “полвон ўртоғимнинг ҳали нақд бир отни йикитадиган куч-кува-ти бор-ов!” дея кулдиради. Хурсанд бўлиб кетаман.

Юзида хотиржамлик зоҳир бўлган, она замин тинчлик-осойишталигидан, бугунги фаровон кунларнинг иқболидан беҳад шукрона келтиришдан толмайдиган Тўлқин ота Ҳайдаров элу юртининг гуллаб-яшнаши-да садоқати, ёш ўқувчиларга билим бериш билан бирга спорт соҳаси ривожига умрини бағишлаган элда азиз устоз, муррабийдир. “Халқ таълими фидойиси” бўлган Тўлқин ота Ҳайдаровни доимо каттаю кичик ҳурмат билан тилга олишиб, фахрланишади.

Отахон шу лаҳзада, куни кеча қўшнисининг эришган муваффақиятидан, худди ўзиники каби дилдан яй-раб-ашнаб гапира бошла-дилар.

— Ҳаётнинг пур ҳикмати нимада деб, сўрасалар, мен аввало, элу юртининг ҳаммавақт ёнида яшаш, у билан ҳамқамда, ҳамнафас бўлишдим, деб айтаман. Миллат гурури, ифтихори, шаънини ҳимоя қилиб келаятган ёшларимиз, ўғил-қизларимиз, озми?! Уларга қараб ҳавас қиласан, киши.

Бъязан ушалмаган армонларимни фарзандларимизнинг ютук-зафарларидан кўриб, ич-ичимдан кувониб кетаман. Маҳалламизда шунақа ёшларимиздан, Зоҳид аканинг невараси Гофуржон Зоҳидов яқинда-гина Осие ўйинларида бронза медалини кўлга киритди. Билолиддин Зайниддинов ҳам қаратб бўйича ҳозирда “Билор қаратб” спорт мактабда ёшларни машғулот асосида тайёрлаб боряпти. Умуман, юртимизда жамики маҳалла-лар борки, уни ичидан кам деганда, учта-тўрттадан чемпионлар етишиб чиқяпти, ўзбекининг боласи ўзбекининг доврғини, куч-қудратини дунёларга намо-



иштиёқим ошган, шекилли. Абдуллаев деган одамга шоғирд тушиб, эркин қурашда туман-шаҳарларда биринчиликини олишга ҳаракат қилардим. Онам раҳматли бўлса “Этинг лат еб, тагин бир балони менга орттирмагин, кўй, шу ишингни”, дея, аммо барибир спорт оҳанрабо-си ўзига тортаверар эди.

1957 йили Тўлқин ота Тошкент Педагогика ин-ститутини (Ҳозирги Тошкент давлат педагогика универ-ситети)га жисмоний тарбия факультетига кириб, ўқисни муваффақиятли тамомла-ди. Учтепа туманидаги 193-мактабда иш фаолиятини бошлаб, ўқитувчиликда меҳнат фахрийсига айлан-ди.

Дарахт бир жойда кўка-ради, деганлари шуми, эҳтимол, у мана шу камта-ринлиги, инсоний фазилат-лари туфайли кўпчилик эътиборида. Шу даргоҳда малакали педагог сифати-да ўқувчиларга спортнинг барча тури бўйича сабоқ берди. Бундан бир неча йиллар илгари Тўлқин ота ҳам республикада илк бора “Кувноқ стартлар” мактаб-лараро спорт мусобақала-ри ташкил қилинишида ўзининг ҳиссасини кўшган тарғиботчилардан. Фидойи мураббийнинг ёш авлод-ларини соғлом камол топи-шида, спорт соҳасини ри-вожлантириш, таълим ти-зимида янги педагогик ти-усулларни жорий этишда кўрсатган матонати, наза-рети ва амалий ёндашуви

бошдан ўтказдик... Иккинчи Жаҳон уруши одамлар бошига офат-лар, аёвсиз қиронлар келтирди, — дея оғир кечган ўтмишидан оҳисталик билан сўз-ларкан Тўлқин ота. — Ўша йиллари бозор-ларда, кўча-кўйларда ўғрилар, чўнтаккесар-лар, оч-гадолар кўпа-йиб кетди. Қунжара еб шишиб ўлган одамлар-ни кўрдик. Онам раҳ-матли Ҳолбуви уруш-дан 1942 йилда ярадор қайтган отанинг ўли-мидан сўнг тўрт фар-зандни, рўзгорни бўй-нига олдилар. Колхоз-да ишлаб, ёз-қиш де-май, болаларини боқ-ди. Уйимизнинг тупроқ

томидан чакка томиб ту-рарди, ёнимизга тоғора-ларни қўйиб, устимиздан кўрпачани ёпиб ётардик. Кечагидек эсимда, онам жўхорини ёғоч ўғирда туя-кан: “Ҳали шундай кунлар келадики, олдингизда ши-рин нонлар, тансиқ таом-лар ейдиган дориломон кунлар келади...”, дегани-деган эди. Кечалари ярим тунда ҳозирги Кўкча майдо-нига узоқ йўл босиб, онам билан қатиқ-сут сотиш учун бозорга келардик. Унда кичик синфда ўқирдим.

Биласизми, увон олган-нимда, бир дона гул олиб онамининг кўларига тутқазганимда, кўзларидан ёш қуйилиб келган. Онам тот-ган қийинчиликларининг роҳатини кўриб, 90 ёшида вафот этдилар.

Беадад шукрлар бўл-синки, онам сўйлаган кун-лар келди. Мустақиллик бизни ана шундай улғ-неъматларга етиштирди. Ниятими, гурирлаб яшнаёт-ган она заминимиз тинчли-гига кўз тегмасан!

Тўлқин ота кадрли тур-муш ўртоғи “Халқ таълими аълочиси” Ҳамида Ҳайда-рова билан бир қиз, бир ўғил ҳамда олти наварани-нинг бугун бахт-камолла-рини кўриб яшамокдалар. Эл-юрт саодати йўлида хайрли, эзгу ишларни ба-жаришда ҳали-ҳамон гай-рат-шижоати қайноқ ота-хонга узоқ умр, соғлиқ-са-ломатлик тилаб қоламиз.

Шерзод ДЕҲҚОНОВ

Хар бир инсоннинг умрида қанча қувончли дамлар бўлса, ўшанча қайғули кунлар бўлади. Бошқалари билмадим-у менга қувонч ва қайғу бир танганинг икки тарафидек кўринади. Дард бўлмаса, одам қувончнинг қадрига етмас эди, ёки қувончсиз бўлмаса, биз дарднинг не эканини тушунмас эдик.

Бола уч-тўрт яшар чоғида атрофидаги воқеани эса сақларди деса, катталар туғул ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Сабаби, боланинг кўп нарсага фаҳми етмайди, деб ўйлайман. Бироқ бошимдан кечирганларим ҳозирги ўйларимни остин-устун этади.

Онам мени бувим билан дадамнинг қўлига ташлаб, кетганда роппа-роса тўртда, синглим эса бир яшар эди.

Онамнинг кетгани хануз кўз ўнгимда.

Бир кун онамнинг олдин ҳеч қузатмаганим, бувим ва дадамга бақирини кўриб, оғзим очилиб, ёнига яқинлашсам, итариб юборди. Укам бир шумликни сезгандай, шир этиб чоптириб юборди. Бувим укамни қўлига кўтариб, мени етаклаб ташқарига чиқди.

— Укангни ўйнат, — дедида, ўзи ичкарига кириб кетди.

Бир маҳал онам уйдан йиғлаб чиқиб, синглим икковимизнинг бетларимиздан олма-кесақ ўпиб, омиғичлик билан югуриб кетди. Ҳатто этагига осилган Гулжаҳоннинг йиқилганига ҳам қарамай гузарга чопди. У ариллаб йиғлади. Мен ё йиғлашимнинг, ё онамнинг изидан югуришни билмай анграйиб турдим. Бувим ордидан қайтармоқчидек чақирди. Лекин у орқасига қарамади.

Дадам синглим ва мени, кейин йўл устига дам-бадам чиқиб турган бувимни уйга киргазди.

Мен онамни қайтиб келадим, деб умид қилардим. Барибир онамасми, мени, Гулжаҳонни жонидан ортиқ кўради, деб ўйлардим-да. Дадам иккови талашганда кўпроқ яхши кўрадигандек туюларди. Гоҳида ҳеч кимга бермай бағрига босганча чой ичиб ўтирар, бағрига босмаса уйқуси келмас эди. Нарғини сўрасангиз, Гулжаҳон туғилгандан кейин ҳам менга меҳри пасайган эмас. Укамни бешикка беласа, бир қўлини менга ёстиқ қилиб, иккинчи қўли билан бешик тебратар эди. Энди у мен билан укамга бўлган меҳридан безиб қандай қилиб кет-

ганига ҳайронман. Дадам айрилдим, деб уйдан чикмай ётиб олди. Бувим эса бизларни опичлаб, эркалатиб юратувага ҳаракат этиб боқди.

Мен онамни ҳар кунни кутдим. Орадан ҳафта ўтди, ой ўтди, бироқ у қайтиб келмади. Шундай бўлса ҳам, у менинг кўз олдимда тураверди. Ҳатто тушларимда ҳам кўриб чиқаман. Уйғонсам қошимда бувим. Интизор то нгларни уйқусиз оттираман. Бувим қанча яхши сўзлар айтмасин, эркаламасин барибир менга ёт сиёқли. Лекин кичкинтой бувимга ўрганиб, “Сени ким туккан?” деганга, бувимни кўрсатиб “опам” деб ишонч билан айтарди.

Орадан уч йил ўтгандан сўнг, бувим мактабга етаклаб олиб борганда унинг муаллими билан сўзлашиб, мени кенжа кизи эканимни айтиб ишонтирувга тиришганини англадим.

Энг боши шу бўлди. Мен ҳам бувимни ёлғончи қилмасликка тиришдим.

Шундай кезларда дадам уйланди. Нимагадир бувим бизларни иккинчи онамизни “ойи” деб айтқизмади. “Муҳтарам кишижон”, ёки оддийгина қилиб “кишижон” дер эдик. Баъзан киши деяверардик. Ўғай онамиз икковимизга ётсираб қарамасди. Шундай бўлса-да, мен уни ўзимга ёт кўрар эдим.

Бувим кўп эртақ айтиб берар, улар ичида ўғай оналар тўғрисидагиси мени кўп хаёлга толдирар, неки бўлмасин “кишим” бизларга ёмонлик истайдигандай кўринаверарди. Барибир иккинчи онамизда шумлик-қувлик сезилмади. Ундан “айланайин”дан бошқа сўзини эшитмадик. Ҳар кунни азонда бантиқларимизни ҳам ўзи тақиб, юзимдан бир суйиб қолади. Гоҳида синфдош қизлар билан болалар дарс тайёрлашга келса, кишим бизга кўшилиб мени синаб ўтиргандай сезилади. Бироқ синфдошларим менга бу ҳақда очилишиб ҳеч гап айтган эмас.

Ўиничи синфга ўтганимда мен ўзимда ажойиб ўзгарши сеза бошладим. Аста-аста туккан онам узоклашиб, ки-

шим қадрдон бўлиб бораётгандай кўринди.

Май ойининг охириларида туман бўйича битирувчиларга аталган анжуман ўтказилди. Унга мен ҳам қатнашдим. Кишим билан бордим. Кичиклигимдан кўшиқ айтишга қизиқардим. Йигин сўнгиде концерт кўйилиб, навбатим келганда мен ҳам сахнага чиқдим. Қўшиғим оналарга

У келган изига бурилиб, фоз юриш қилиб, ортига қараб, кўзларини арта-арта кетиб борарди. Унинг изидан қараб туриб, ачиндим ҳам. Лекин ўзимни тутдим.

Орадан уч кунча ўтгач, мактабда бадийи кеча бўлди. Мен бул кечада кўшиқ айтиб туриб, яна унга кўзим тушди. Бироқ бу сафар у сахнанинг ортига кела олмади. Унинг



БИБИОЙША ОЙМУҲАММЕДОВА

КЕЧИРА ОЛМАДИМ

аталган эди.

Бир маҳал залга шундай назар ташлаб қараган эдим, кишимнинг ихлос билан тинглаб мақтаниб ўтирганини кўрдим. Қўшиқнинг охирига келганда товуш тонларим ўзгариб, куй-оҳангидан чиқиб кетаёзим. Шу вақтда кишимнинг юзларида ташвишланув сезилди. Ён-атрофга қараб, диққатимни бўлган кимсани излади: ўзимнинг онамни кўриб қолган эдим.

Қўшиқ ниҳоялаб, гулдурос қарсақлар остида сахна орқасига ўтиб кетдим. Ўҳ, онам дарҳол ўшал ерга изимдан борди.

— Гулбаҳор, — деди. Унинг товушида аллақандардай меҳр бор эди.

Шунда ҳам терс бурилиб кетдим.

— Гулбаҳор, мени танидингми? — деди.

— Танайман, — дедим.

У индамай ўйланиб турди-да:

— Айланайин, Гулбаҳор, менга яқин кел, — деди.

Тўхтадим. Энди у қошимга келиб, қўлимдан ушлаб, бағрига босиб, ўпмоқчи бўлди.

— Керак эмас, — дедим.

— Битта искай.

— Сассиқ эмасман.

— Йўқ, Гулбаҳор... Катта қиз бўпқопсан. Қўшиқни чиройли айтдинг.

— Биринчидан, сизга аталмаган, иккинчидан, сизнинг баҳонгиз керак эмас.

олдида яқинда шаҳардан кўчиб келган мендан кичикроқ бола ўтирарди.

Эртасига шул боладан кечаги ёнидаги аёлнинг кимлигини сўрадим.

— Ўғай онам, — деди у.

— Қанақасига? — деб сўрадим. У тушунтирмай қўлини силтади.

Яна бирров шу бола билан учрашиб қолдим. Ундан ўғай онаси тўғрисида сўрадим. Худди аввалгидай қўлини бир силтади. Бу хол мени жуда ўйлантирди. Шундай қилиб, бу боладан ўғай онаси тўғрисида кўп нарса билиб олдим: онаси тўсатдан қайтиш бўлиб, отаси менинг онамга уйланган. Бироқ у ўзи фарзанд кўра олмасди. Ўғай онасининг ўтинчларига бинотан улар овулга кўчиб келибди.

— Ўз фарзандларини тиррик етим этиб ташлаб кетган аёл ўзга болаларга қандай меҳр кўяркан, — дедим мен.

— Сен уни қаёқдан биласан? — деди у.

Унга ҳеч нима тушунтирмай, жўнадим. Энди ўз навбатиде у мени сўроққа тутадиган одат чиқарди. Бироқ мен унга ҳеч нарса айтмадим. Бу аҳвол уларнинг ўғай онасининг қулоғига етган бўлса керак, у яна излаб келди.

— Кечир, Гулбаҳор, — деди.

— Кечирмайман, — дедим мен.

— Кечир, Гулбаҳор, — деди.

— Кечирмайман, — дедим мен.

У йўлимни тўсиб туриб,

✓ Буни ҳаёт дейдилар

ўтказмай яна кечирим сўради. Бошимни чайқадим.

— Ёшсан, барини кейин тушунасан, ўшанда мени кечирасан ҳам, — деди.

— Кечиримни изингиздан қараб йиқилиб йиғлаган укамдан сўранг, у сиз тукканнигизни ҳам билмайди. Нега кўчиб келдинглар, фарзандларингизни соғинибми?.. Ё мени, қари бувимни... дадамнинг эски дардини кўзга шучунми? Ундан кўра қайта кўчиб кетсангиз, яхши.

У йиғлади.

Мен унинг чўзган қўлларини силтаб ташладим-да, ўз йўлимга кетдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан сўнг тўсатдан қаттиқ оғриб эмловхона(соғлиқни сақлаш бўлими)га тушдим. Қабулхона шифокори текшириб кўриб:

— Жарроҳлик бўлимига қабул қилинсин, кўричак! — деди.

Кишим, бувим, дадам операция тамом бўлгунча кўтиб туришларини айтди.

Амалиёт муваффақиятли ўтиб, улар уйга кетишди.

Тунги соат ўн бирлар чамаси, навбатчи олдимга кириб, мени бир аёл йўқлаётганини айтди. Унинг афт-ангорини таърифлагандан кейин танидим.

— Керак эмас, кирмасин олдимга, — дедим.

Шу пайти оқ халат кийиб ўзи кириб келди. Қаравотимнинг қошида тиззалаб ўтирди-да, бетимни сийпалади. Мен шу ерда турганларга кўнглимдаги мунглиримни ҳамда унинг кимлигини уқтиришга тиришдим.

— Раҳмат, кета беринг, — дедим.

У манглаймдан ўпгиси келиб эгилганда, икки томчи ёш кўзларидан узилиб бетимга томди. Шу аҳволда:

— Кечир, кизим, — деди шивирлаб.

— Сизни ҳеч қачон кечиролмайман. Кетинг, бошқаларнинг уйқусини бузманг, — дедим сабрсизланиб.

Шу пайтда навбатчи ҳамшира келиб, унинг чиқиб кетишини сўради. У кетди, мен ўй-хаёллар ичида қолдим.

Ана, шундай, мени неча йилдан бери қийнаб келаётган мунгни нунта бошладим. Бироқ нимагадир уни кечира олмадим.

Ҳа, кечира олмадим.

Қоракалпоқчадан
Миразиз АЪЗАМ
таржимаси

Мулкни ижарага бериш шартномаси қандай тартибда тузилади?

У. Раҳимов,

Мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда нотариус томонидан қуйидагилар талаб қилинади:

мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

ижарага берилаётган мулк давлат рўйхатидан ўтказиладиган мулк бўлса, унинг бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумот;

ижара нарсаси умумий биргалик-

даги мулк бўлган тақдирда(эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг(эр-хотиннинг) розилиги;

ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилган мол-мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулк бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг

розилигидир.

Шунингдек, мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади. Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Зангиота тумани 1-сон ДНИ
нотариуси Лола Самархаджаева
жавоб берди.

ҲИКМАТЛАР

Юсуф Хос Ҳожиб

Билимни буюқ,

ўқувни улуғ бил,

Бу иккиси танланган

бандасини улуғлайди.

Заковат қаерда бўлса,

улуғлик бўлади,

Билим кимда бўлса

буюқлик олади.

Президентимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳавф солмоқда”.


Интернет тармоғининг жадал ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги глобаллашув асрида яшаётган ҳар бир одам иш кунини интернетда бошлаб, шунда тугатадиган бўлиб қолди. У тобора ривожланиб, имкониятлари кенгайиб бормоқда. Масалан, 1998 йилда дунё бўйича интернетга 100 миллион одам уланган бўлса, 2008 йилда ундан фойдаланувчилар сони 580 миллиондан ортиди, ҳозирги кунга келиб эса улар 2 миллиарддан кўп. Шу ўринда ҳар ойда глобал тармоқ миқдоридоги фойдаланувчилар сони 7-10 фоизга кўпайиб бораётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Интернетни буткул ёмон дея олмаймиз. Чунки, ундан ўзимиз учун зарур бўлган халқаро ва миллий миқёсдаги ахборотларни ўрганган ҳолда таҳлил қилиб, зарурий хулоса чиқариш мумкин. Интернет маълумот олишга, дунёнинг у бурчагидаги одам билан тармоқларро мулоқотда бўлишга имкон яратди. Лекин бундан ҳар ким ўз манфаатлари йўлида, турлича талқин қилган ҳолда фойдаланади. Бугун бу виртуал олам таъсирида қанчадан-қанча кишилар оила куриб, қанчадан-қанчаси барбод бўлаётти. Энг даҳшатлиси, бир оиланинг бузилиши жамиятда кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради.

Маълумки, оила тарқоқлигини кўрган бола атрофдагиларга нисбатан аламзада нигоҳ билан боқа бошлайди. Фарзандни тарбиялашдан кўра туну-кун телефонини кўлига ушлаб олганча, унга термулиб ўтирган, интернетга ружу қўйган ота ёки онасини кузатиб турган боладан келажакда яхшиликни кутиш... Бунга ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири сифатида қараймиз. Муайян кучлар глобал тармоқнинг имкониятларидан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини йўлдан уриш, ёшларни ўзлари тарғиб этаётган бузғунчи гоя ва мафкуралар томон йўналтиришга ҳаракат қилишмоқда. Чунки интернет аудиториясининг энг фаол аъзолари бўлган ёшлар янгиликларни излаш, дўстлар билан танишиш, мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш ва ўзларига керакли маълумотлар топиш учун ижтимоий тармоқларга кирадилар. Ҳаразли мақсадларни кўзловчилар эса бундан унумли фойдаланишга уринишади. Интернетда ёғишаётган ахборот оқими шунчалик чек-чегарасизки, унинг қайси бири фойдали, қай бири ғарзли эканини ажратиб олишга ҳамма ҳам қодир эмас.

Чегара билмайдиган “халқаро ўргимчак тўри” турли соҳалардаги сон-саноксиз фойдали манба ва маълумотлар билан биргаликда юксак маънавий қадриятлар бардавонлигига пугур етказадиган, уларни кемирадиган иллатларни ҳам тарғиб қилаётгани сир эмас. Интернетда ушган жиний гуруҳ ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари орқали нафақат ахборот алмашинуви, балки ёшларнинг турмуш тарзи, урф-одатларимизга мулканоқ тўғри келмайдиган ёт, бузғунчи гоя ва мафкуралар тарғиб қилинаётганини бугун ҳар биримиз англаб турибмиз. Унинг ҳар юзинчи саҳифасидаги маълумот, расмлар порнографик ҳамда садизм, яъни зўравонлик тарғиботи мазмунига эга экани вояга етаётган ёш авлоднинг тарбияси, хулқ-одобиغا зар

рар етказди. Бу эса ўз навбатида жамоатчиликни ташвишга солиб, ёшларнинг мафкуравий ҳавфсизлигини таъминлаш масаласини муҳим устувор вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Шунингдек, интернетда биз жаҳолатга ботган контентни кўришимиз мумкин. Бу контентни биргина “ГТА” ёки “Countre strike” каби компьютер ўйинлари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, уларда акс этувчи қотиллик, бир-бирини қалтаклаш, зўравонлик



йўли билан ўзгаларнинг буюмларини олиб қўйиш каби сахналар ҳеч бир ўқувчини эзгуликка чорламайди. Аммо, ҳали маънавият тўла шаклланиб улгурмаган ёш авлод бу каби ваҳшиёналикларни сесканмай томоша қилиб, ўйнаётганлари айтиш ҳақиқат. Бундай ўйинларни ёшлар маънавиятига ташланган чўғга қиёслаш мумкин. Чунки, улар тубида яширинган бузғунчилик гоялари аввал онг остига сезилмаган ҳолда кириб олиб, сўнг тафаккурда катта оловга айланади ва бу инсоннинг ўзигагина эмас, атрофдагиларга, жамиятга катта зиён келтиради.

Интернет клубларидаги яна бир ҳолат бу — мушталашувдир. Жараённи ўрганиш мақсадида бир интернет клубга кирганимда “Countre strike” ўйинини ўйнаб ўтирган икки йигитнинг жанжалига гувоҳ бўлдим. Иккиси ҳам ўйинда ютқазиб қўйилганлиги учун бир-бирларини айблаб, мушталашувга бордилар. Билмадим, агар воқеа жойидаги бошқа йигитлар бу зўравонларни ўртасига тушиб ажратмаганларида охир-оқибат кераксиз қизиконлиқнинг яқуни жоғеали тугаб, ўсмирлардан бирининг ҳаётига чанг солармиди? Бундай носоголом муҳит интернет клубларида бир кунгина эмас, балки одатий тарзда давом этиб келаётганини эса фақат ачиниш билан айтиш мумкин. Ҳўш, бу каби ҳолатнинг содир бўлиши, ёш авлоднинг интернет исканжасига тушиб қолишининг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш талаб этилади? Бугун вояга етмаганларнинг тунги пайтда интернет клубларига ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсиз, ёлғиз ўзи киритилса, клуб томонидан энг кам иш ҳақининг ўн баробарига жарама тўлатилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, бунга лоқайд қаровчилар топилади. Давлатимиз томонидан келажакимизнинг эгалари бўлган ёшларнинг манфаатларини кўзлаб жорий этилган қонунларга амал қилиш ёки уни бузиш фақатгина моддий даромад топиш илинжида, ёш авлоднинг манкуртага айлинишига ҳам индамай жимгина қараб турган интернет-клуб эгаларининг виждонларига ҳаволадир.

Мулоҳаза

Ёшларни бундай ақидапараст гоялардан ҳимоялаш учун оила, мактаб ҳамда маҳалла ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши белгиланган. Қолаверса, интернет аллақачон ҳаётимизга кириб, мослашиб олганини инобатга олиб айтсак, ўз-ўзидан маълум бўладики, ундан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Бундан, ёшларимиз интернетдаги ижтимоий тар-

моқлардан оқимдек кириб келаётган, мафкуравий гоялар йўли билан маънавиятимизга таҳдид солишга уринаётган турли хилдаги зарарли ахборотларни сараламасдан ҳам қабул қилаверишлари мумкин, деган фикр юзга келмайди. Тармоқлардан фойдаланишда ёшларга маълум чекловни қўйишнинг имкони йўқлигини ҳис этган ҳолда, уларда интернетдан фойдаланиш маълумотларни саралаш маданиятини шакллантириш тўғрорқидир. Бунинг учун, энг аввало, медиа-таълимга жиддийроқ эътибор қаратиш зарур.

Агарда бундай таълим усулини мактабларга киритиб, болаларга ўқувчилик пайтидан бошлаб мана шундай тезкор ва ахборотлар билан ишлайдиган тарзда дарслар ўтилса, бу уларнинг ҳам билими, ҳам маънан юксак салоҳиятли бўлишларига замин яратди. Қолаверса, ота-оналарнинг ҳам интернетдан тўғри фойдаланиш борасидаги тушунчаларини янада ошириш мақсадида мажлис ҳамда йигилишларда бу ҳақда таъкидлаб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бугун глобаллашган жамиятда яшаётган эканмиз, демак, инсонлар онгида ахборотлардан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам етакчи вазифани бажаради. Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, ёшларимиз интернетга асосан, Ғарбдан кириб келаётган турли хилдаги компьютер ўйинларини ўйнаш, уларни юклаб олиш учун қираяптилар. Айнан мана шуларни инобатга олган ҳолда, компьютер ўйинларини миллий контент билан бойитиб, уларни интернет тармоқлари орқали тарқатилса, ёш авлоднинг маълум даражада ёвуз зўравонликлар жойлаштирилган ўйинлардан йироқлашишига эришилади. Шунингдек, бу борада зарур бўлса, ёшлар порталлари ва бошқа миллийлигимиз уфуриб турадиган веб-ресурсларни яратиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ширинхон МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

ЭРТАНГИ КҮН ИШОНЧИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта қизиқиш ва мамнуният билан тингладим.

Бош Қомусимиз бугун фаровон турмуш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда пойдевор бўлаётганини эришилаётган ютуқ ва марралар, кенг қўламли ислохотлар самарасида ҳам яққол кўринади. Маърузада таъкидлаганидек, ўтган йиллар давомида юртимиз иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Эришилаётган қатор ютуқлар хусусида сўз юритилар экан, қалбда чексиз фахр-ифтихор туйғуси жўш уради. Шубҳасиз, бундай ўзгариш ва ютуқлар замирида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат мужассам. Албатта, ушбу янгиланишлар юртдошларимизда ҳам ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотиб, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишга ундаяпти. Буни АҚШдаги Гэллуп институти томонидан ўтказилган сўровномада қатнашган 141 мамлакат орасида бизнинг юртимиз 2-ўринни эгаллагани ҳам исботлаб турибди. Албатта, бу натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилмаган.

Президентимиз муҳташам анжуманлар саройида халқимизга қарата мамлакатимизда 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилишни тақдир этганида, айниқса, биз аёлларнинг қувончимиз ичимизга сиймай кетди, десам муболаға бўлмайди.

Бола тарбиясида фикри соғлом, тафаккури кенг ота-онанинг ўрни ниҳоятда муҳим. Айниқса, онанинг жисмоний саломатлигидан ташқари, билим-заковатли, юксак маънавиятли бўлиши мамлакат эртанги кунини халқилувчи муҳим омиллардан саналади. Фарзандлар саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани моҳиятида ҳам айтиш шубҳасиз, саломатлиги бир зум бўлса, эътибордан четда қоладиган масала эмас. Маърузада боланинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайишида онанинг ҳар жиҳатдан етук, қомил бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Юртбошимиз фарзандларимизга оталарча ғамхўрлик билан шундай сўзларни таъкидлагани бизни ниҳоятда қувонтирди: “Қиз болани қоллежни битирмасдан, хунар эгаллашмасдан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинлар, буни мен узоқни кўрмаслик, қалтаблилик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни ангалсин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у курадиган оила ҳам муштахам бўлади”.

Гулнора ҚҶРБОНОВА,
Жомбой туман 2-сон
ДНИ нотариуси

ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК

Ёхуд борини кўчага сочиш тўғрими?

Юртимизда тинчлик, тўқинлик ҳукмронлиги боис орзу-ҳавасларимиз ҳам бисёр. Эл олдига дастурхон ёзиб, тўй қилиш ҳар бир ўзбекининг нияти. Айниқса, халқимизда қиз узатиш, ўғил уйлантириш ота-она учун улкан саодатдир. Аслида, никоҳ тўйи жамиятимизга яна бир оила қўшилганининг рамзий белгиси, эзгулик сарчашмасидир. Бироқ ана шу иш дабдабозликка айланиб кетиши исрофгарчилик, дилхираликларга сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Тўйгача ва тўйдан кейинги турли маросимлардаги сарф-ҳаражатларни айтмайсизми?

... Баҳор кунлари эди. Университетда ўқийдиган жияним дугонаси билан гаплашишимни сўраб қўл телефонини менга узатди, хол-аҳвол сўраганимиздан сўнг қиз гапира кетди:

— Опамни узатганимизга икки ой бўлмай туриб, Ҳайит эшик қочди. Кўёв томонга 20 та саватда ёғулик, қайноасидан тортиб кеча туғилган невараларгача сарпо юбордик. Байрам қийнашди, дегунча онам бечоранинг юраги беизлайди. Ўзи опамни ҳам контрактда ўқитган эди, боқяшди. Бу ёқда ногирон отамга дори-дармон керак. Тўйдан кейин қирқ кунгача ур маҳалдан мазар бермаганимиз учун опамнинг боши қотди. Опам хомилдор, яқинда кўзи ёрийди. Бу дегани, яна бир дунё ташвиш. Сиздан илтимос, шунақа ортиқча дабдабаларни ўйлаб топаётганлар ҳақида ҳам мақола ёзсангиз, зора бизнинг кудаларимизга ҳам инсоф бериб қолса.

«Дамас»да Андижон жаҳон бозорига кетаётган эдим. Манзилга етай деганимизда ёнимдаги уриндикда ўтирган ўрта ёшлардаги аёлнинг қўл телефони жиринглади. Чамаси, яхши эшитилмади,

шекилли, аёл телефоннинг овоз кучайтиргичини босди. Баралла янграётган сўзлашувдан барча йўловчиларнинг энсаси қотди:

— Кўёв бола қанақасидан чекади, опажон? — деб сўради у салом-алиқни куюқ қилгач. — Жаҳон бозорига тушгандим, бир йўла чилласи чиққунча етадиган қилиб, олиб кетай, деб сўраётгандим.

— «Пал-мал» денг, яхши, саломат бўлинг, кудаларга салом айтинг...

Ёши улугроқ онахон аёлни гапга тутди:

— Синглим, тўй қилмасиз, шекилли?

— Ҳа, уч кундан кейин тўй. Қиз аравага чиққунча ками битмайди, деганлари рост экан. Уч ойдан буён бозордан бери келмайман.

— Кўёв болага сигарет ҳам оласизми?

— Ҳа, энди элдан қолмайлик деб...

Қирқ кунгача бериладиган мазарга кўшиб ўша ўлгурини ҳам юборамиз-да.

— Қаерликсиз ўзи? Бунақа бемаъни расм-русумларни ким ўйлаб тояпти?.. Нахот, кўёв «бечора» чекадиган матоҳини ҳам уялмай-нетмай келин томонга олдириб? Онахоннинг астойдил жаҳли чиқиб жаврай кетди. — Йигитларимизда ор-номус қозимаяпти. Шу матоҳини солмасангиз, қилмигини ҳайдаб юборишмас, синглим!

— Қайдам, ўзим ўқитувчи одамман. Уч қизни ёлғизқўллик билан ўстирдим. Энди биринчи қизимни узатяман, — ёзгириб қолди аёл. — Қизимга шуни ҳам таъна қилишмасин, пул кетса кетар, ўзи бу ёғи анчагина қарз ҳам кўтариб қўйдим, шуниси қолиб нима бўларди...

Бу орада «Дамас»имиз манзилга етиб тўхтади. Сўхбат бўлинди. Бироқ кекса онахон аёлга йўл-йўлақай ҳам аланмаларни уктириб борарди.

Оғриқли нуқталаримиз

... Тўрт қизи бор дугонамни банкда учратиб қолдим. Турмуш ўртоғига Россиядан қайтиши учун йўл қирага пул жўнатаётган экан.

«Касал эрингни юбориб нима қиласан, дегандинг, гапингга қулоқ солмабман. Мана энди беҳуда йўл қира сарфлаб қайтиб келяпти, у ёқда оғирлашиб қолибди. Эсон-омон етиб келса бўлди деб, сигиримни сотдим, самолёт чиптасига пул юборяман. Бу йил ҳам қизимни чиқаролмайдиган бўлдим. Яхши жойдан совчилар бор эди».

Дугонамнинг кўзида тўла ёш билан айтган сўзларидан қалбим тирналди. Ҳали бирон марта тўй қилмаган аёлнинг юрагига тўй қилишнинг ваҳимаси тушиб қийналарди. Тўй хурсандчилик олиб келиш ўрнига кишиларни қайғуга ботирадиган маросимга айланиб қолди? Нима учун? Бундай дабдабаларни ўйлаб топаётганлар кимлар ўзи? Уларга кўр-кўрона эргашаётганларчи?.. Нахотки, бундайлар инсоннинг қадри-қиммати кийим-кечагу тақинчоқлар билан ўлчанмаслигини билишмас? Бахт ўрнига дилхиралик келтирадиган, кимнингдир соғлигини йўқотиш эвазига ўтказиладиган дабдабадан кимга наф? Обрў-эътибор топининг бошқа йўли йўқми?

Бундай тизгинсиз саволларнинг чеки йўқ. Бироқ, ҳар қандай нарсанинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку. Келин томон олиб келган ётоқхона диванида бемалол уйқуси келаётган, қайнотаси совға қилган машинани гердайдий ҳайдаб юрган, чекадиган тамақисигача келин томонга юқлайдиганларни ким деб аташ мумкин? Келин томоннинг қарз-ҳаволага олган сарполарини мақтаниб кийиб юрган қайнотаю қайноналарни-чи?

Орзу-ҳавас, расм-русум шу экан деб, ўзлимизни, гуруримизни, ор-номусимизни, фарзандларимиз келажагини бой бериб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. Сиз бунга нима дейсиз?..

Барно ШЕРАЛИЕВА



ЭЛЕКТРОН ВЕЛОСИПЕДЛАР

Ушбу ихтиро велосипедда сайр қилувчилар учун жуда ҳам қизиқарлидир. Велосипед педдаларини айлантиришдан чарчадингизми, ҳечқиси йўқ, бунинг энди осон ечимни топилди.



Ушбу муаммога Марсин Пятковский ихтиро қилган ЖИВР электр велосипедлар и осонгина ечимдир. Ҳозирда дизайнер ўзининг янги ихтироси — электр велосипед учун маблағ тўпламоқда. Электр велосипедларида айланувчи занжирлар ўрнига энди электр двигател эгаллайди. Бу эса унинг оддий велосипеддан ажралиб туривчи жиҳатларидан биридир.

Велосипеднинг олди гилдирагига 350-750 ватт ҳажмли двигател жойлаштирилган. Велосипед 30 километр масофани босиб ўтиш учун етарли қувватни берувчи, литий-ион батареялари билан жиҳозланган. Батареяларнинг тўлиқ қувватланиш вақти 1,5 соатни ташкил этади.

Ихтиро муаллифи хавфсизлик ҳақида ҳам ўйлаган. Электр велосипедлари соати-га 25 км/соат тезликдан ошмайди қилиб ишланган. Яна бир қизиқ томони, ушбу велосипедларда ҳаракатланганда энергия истеъмоли қай тарзда кетаётганини назорат қилиб туриш имкониятига ҳам эгасиз. У мобил қурилмага эга. Унга ташқи антенна ва «Bluetooth 4.0» модули орқали ахборот узатилади. Худди автомобилдаги каби велосипед ҳайдовчиси, тезлик ва ҳайдаш соқофасини ушбу қурилма орқали кўриш имкониятига эга.

Электр велосипеднинг оғирлиги 15 кг. Ушбу ихтиро бир неча қисмга ажратиш ҳам мумкин, бу унинг оддий велосипеддан фарқи томонидир.

Электр велосипедларининг илк намуналари шу йилнинг сентябрь ойида сотувга чиқариш режалаштирилган.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.

ДИЛИМИЗНИНГ ПАРЧАСИ

— Ёшим 22 да, — дейди ўзининг исмини яширган ҳамсухбатим. — Кўчада юрганлар обрўли хонадоннинг қизи сифатида яхши танишди. Бироқ қийнаётган муаммодан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Ушанда Равшан ака билан йўлда танишиб қолгандик. Гап-сўзлари, ўзини тутиши мени ўзига ром этганини иккинчи учрашувда ҳис этдим. Телефонлаша туриб шундай умр йўлдошим бўлишни тасаввур этардим. Бир йил учрашиб юрдик. Бу орада бўйимда бўлиб қолди.

Кейинги пайтларда у менадан ўзини олиб қочар, кўнги-роқларимга жавоб бермасди. Яхшиямки, бир куни асқотар, деб уй манзилини олганим. Сўраб-сураштираман, оилали — икки нафар фарзанди ҳам бор экан. Энди ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрибман. Уйга келган совчиларга бераётган «йўқ» жавобимдан ота-онаминг қон босими ошмоқда. Юқори ташкилотларга арз қилай, десам Равшан акамни ҳаётимдан ортиқ кўраман...

Ўйлашиб қолсан киши, эндигина йигирма икки ёшни қаршилаган бу қизнинг гаплари нақада юрагингга оғриқ беради. Бир лаҳза бахтиёрлик оқибатида қанчадан-қанча гўдақларимиз оталиқдан, келгуси ҳаётларидан айрилиб бораётганини кеч англаймиз.

Бу сўзлар оғир бўлса-да, икки ёшни пойлашга на ота-онанинг, на маҳалла ва на ўқув юртларининг кучи етади, агар ўзларига инсоф бермаса. Шундай ҳолатларда дунёга келган фарзандлар ёлғиз она тамғаси остида гувоҳнома олишади. Йиллар ўтиб улгайгач, онгли равишда онасининг фамилиясида эканини тушуниб етади. Боғча, мактабни кўятуринг, олий ўқув юртига ўқишга кирганида, қайсидир нуфузли жойга ишга қабул қилиш давомида отаси ҳақидаги маълумотлар тўлдириладиган катакларга у нима деб ёзади. Юқори ташкилотларга арз қилай, десам Равшан акамни ҳаётимдан ортиқ кўраман...

Болалик хотирасидаги қора доғлар намоеён бўлмайди? Мана, ҳаёт деганлари. Очиғи, бугун суд-хуқуқ органларида қўлида папкаси билан алимент ундириш учун ариза билан мурожаат этаётган ёш оналаримиз кўплаб топилади, тўғрими? Уларни саволга тутсангиз, минг баҳоналар билан: "Отаси бўлгандан кейин боласини боқишга мажбур", деганлар қанча. Ҳақиқатан ҳам, ота-она боласи вояга етгунга қадар уни нафақат моддий таъминлаши, шу билан бирга маънавий камолотга етказиши хусусид кўнунларимизда белгилаб қўйилган. Бироқ ана шу фарзандларнинг оналари-чи?.. Бир оиланинг барбод бўлишида ҳар икки шахонинг айбдорлиги устун келган-ку.

Яқинда суд биноси олдида турган хушрўйгина аёлни гапга тутдим. Айтишча, 18 йиллик турмуши бузилишига телефон сабаб экан. Аёлнинг тўрт нафар қизи бўлиб, эри ноҳўжа гаплар билан ҳақоратлаб, уни отасиникига қувиб солибди. Энг қизиги, аёлнинг эри катта маош олар-

И б р а т

кан. Агар алимент ундургудек бўлса, ҳаёти изига тушиб кетармиш. Нақада сависизлик. Қизлар тарбиясига онанинг фикрлари ноҳўжа таъсир кўрсатмайди, дея ким кафолат беради?! Афсуски, жамиятнинг қайсидир қатламларида кичик бўлса-да, катта хатолар гирдобига тортувчи бундай воқеалар учраб турибди. Ўртада сарсон бўлган фарзандларимиз оч ёки яланғоч қолмаслиги мумкин. Аммо уларнинг маънавий камолоти-чи? Уларнинг тўғри ўсиши учун ким жавобгарликни ўз бўйига олади. Ҳаётим, деб алдо тазоғига тушган қизми ёки эркаклик гурурини ерга кўмиб вақтинчалик "хузур"ни тотган йигитми? ..Ёки отасиз туғилган чақалоқлар учун гувоҳнома ёзишга қалам олган бизми?.. Саволларга тўла бу мулоҳазамизга қўшилганлар кўплаб топилади. Сизда-чи, сизда қандай фикрлар бор, азиз замондошим!

Наргиза УМАРОВА,
Оққўрғон тумани ФХД
бўлими мудири

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-оқам билан рўйхатга олинган. Буюртма
Г — 236. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади
— 6533. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5